

**ТАБИЙ (ҚИСИЛГАН, СУЮЛТИРИЛГАН)
ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ № 18**

Когон тумани

20 январ 2022 йил

Когон туманидаги “Аминов Фазлиддин” хусусий корхонаси кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи корхона директори Ю.Жиянова номидан бир томондан ва Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар И.Б.Батиров номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Сотувчи куйидаги маҳсулотни сотиш мажбуриятини, харидор эса ўз вақтида тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.
Сўмда Лот

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Жами маҳсулот микдори	Суммаси
1.	Сиқилган газ (метан)	Метр куб	3912	8997600
	Жами:		3912	8997600

1.2. Маҳсулотни етказиш сотиб олувчи автомашинаси газ балонларини сотувчининг автомашинага газ куйиш шаҳобчасида (АГҚШ) куйиш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Сотиб олувчи автомашинага газ куйилган сана, маҳсулот етказиш санаси ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Суюлтирилган 1 литр газнинг нархи 2300 сўмни ташкил қилади.

Суюлтирилган 1 литр газнинг нархи Сотувчи биржадан сотиб олинган нархлар буйича узғариб туради, тарафлар шартноманинг умумий суммасидан ошмаган ҳолда нархлар буйича ҳисоб-китобни амалга оширадилар. Сотилган Табиий (қисилган, суюлтирилган) газнинг микдори узғариб туриши инobatга олинб, ҳужжатларда акс эттирилади.

2.2. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий сумма 8997600 (Саккиз миллион тўққиз юз тўқсон етти минг олти юз) сўмни ташкил этади.

2.3. Газ олинган кундаги нарх бўйича тўлов амалга оширилади.

2.4. Суюлтирилган газ “Тарқатиш қайдномаси” асосида берилади.

2.5. Тарқатиш қайдномаси сотиб олувчи томонидан газ учун ўтказилган пул сотувчининг ҳисоб-рақамига 100 % ўтказилгандан сўнг берилади.

3. ТАРАФЛАРNING ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотиб олувчи газга қайта жиҳозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) амалдаги қоидаларга, техник ҳолатга, суюлтирилган газдан фойдаланиш бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш.

б) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолатда сақлаш.

в) газ балоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш.

г) белгиланган тартибда автомашинага газ куйиш учун тегишли органлардан махсус рухсатнома олиш.

3.3. Сотувчининг ҳуқуқлари:

а) автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш, ўлчов асбобларининг созлигини текшириш.

б) хайдовчининг газ билан ишловчи автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини текшириш.

в) сотиб олувчи белгиланган қоидаларга, газ қуйиш регламентига ва шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, автомобилга газ қуйишни тўхтатиш.

3.4. Сотувчи ва сотиб олувчи газ ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиши ва қабул қилиши шарт.

Сотиб олувчи газ истеъмоли давомида юзага келадиган келгуси ўзгаришлар ҳақида йил чораги бошланишидан 10 кун олдин сотувчига ёзма ҳолда ёки телефонограмма (факс) орқали маълум қилиши шарт.

Сотувчи АГҚШдаги ускуналарнинг навбатдаги жорий таъмирланишини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий жорий таъмирланишини амалга оширишдан 10 кун олдин сотиб олувчини огоҳлантиради.

4. ГАЗ ҲИСОБИ

4.1. Сотиб олувчига берилган газ миқдори тарқатиш қайдномаси бўйича аниқланади. Ва ўзаро ҳисоб китоблар тарқатиш қайдномасига асосан қайта кўриб чиқилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Сотувчи ва сотиб олувчи қуйидаги ҳолларда олинадиган газ ҳажмини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳуқуқли ва бу учун жавобгар эмасдирлар:

а) қутилмаганда газ қувурлари, электр, газ тармоқларида содир бўлган авария ҳолларда;

б) газ билан таъмирлашда сотувчига, боғлиқ бўлмаган узилишларда;

в) ёнғин, zilzila, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;

г) газ қувурлари, электр, газ тармоқларининг навбатдаги жорий таъмирланиши, шу билан боғлиқ бўлган синов ва пайвандлаш ишлари давомида.

5.2. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

6. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “ Бюджет кодексига белгиланган тартибда ғазначилик бўлими томонида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома камида икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан суд тартибида ҳал қилинади

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши, муҳрланиши лозим.

8.2. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ

ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ
ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Корхона»

“Аминов Фазлиддин”Х/К

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг
номи)

«Истеъмолчи»

Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Когон туман Ниёз-хожи МФЙ

Тел./факс 939600669

х/в 20208000404759663001

АТИБ Асака банк Бухоро филиали

МФО 00120

ОКОНХ 71211

СТИР 301085186

Манзил: Когон тумани

Сухор МФЙ Истиклол кучаси 10-уй

Тел./факс 527-34-44

ш/х* 100022860062197065200110001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202805271

ОКОНХ 97600

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Когон туман буйича

Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар

Ю.Жиянова

(Ф.И.Ш)

Раҳбар

И.Батиров

(лавозим)


(Ф.И.Ш)

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko‘chasi, 3-uy,
tel.: (998 65 220-11-59) , el.pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

2022 йил 21 январ

Когон туман СЭО ва ЖСБга

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома

2. Лойиҳанинг номи:

“Когон туманидаги “Аминов Фазлиддин” Х/К ва Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси ўртасидаги 2022 йил 20 январдаги табиий (суюлтирилган) газ сотиш юзасидан 18-сонли шартномаси”.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Когон туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ва 2022 йил 21 январда марказга киритилган.

4. Хулоса: “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Когон туман юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бош юрисконсулти



А.Шамсиев